



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Банк кафолати моҳияти ва аҳамияти

Элбоев Бобур Ботирович

Тошкент молия институти

Ўзишмалар учун электрон почта:

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 12.08.2022

Қабул қилинган вақти: 15.08.2022

Калит сўзлар: банк, кафолат, банк кафолати, банк операциялари, молиявий мажбуриятлар, принципал, бенефициар.

Аннотация

Ушбу мақолада банк кафолатининг моҳияти, уни банк операциялари таркибидаги ўзига хослиги, банк мижозлари учун аҳамияти, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлардаги ўрни, кафолатни бажаришда юзага келадиган молиявий муносабатларнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратилган. Банк кафолатининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган ва илмий хулосалар шакллантирилган.

Nature and significance of bank guarantee

Elboev Bobur Botirovich

Tashkent Institute of Finance

Corresponding author email:

ARTICLE INFO

Received: 12.08.2022

Accepted: 15.08.2022

Key words: bank, guarantee, bank guarantee, bank operations, financial obligations, principal, beneficiary.

Abstract

This article focuses on the nature of the bank guarantee, its uniqueness in banking operations, its importance for bank customers, its role in the relationship between the bank and the client, and some aspects of the financial relations that arise in the execution of the guarantee. Specific aspects of bank guarantee are analyzed and scientific conclusions are formed.

Кириш

Ҳамкорлар ўртасида иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашда, савдони рағбатлантиришда, ишлаб чиқаришни ташкил этишда, кредит муносабатларида, турли хил хўжалик шартномаларининг бажарилишида, экспорт-импорт операцияларини ташкил қилишда, тендерларда иштирок этишда, қолаверса янги ҳамкорлик ўрнатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг муносабатларини ташкил этишда банк кафолати муҳим рол ўйнайди.

Банк кафолати банк операцияларининг алоҳида тури ҳисобланса-да, унда бир неча банк операцияларнинг унсурлари намоён бўлади, жумладан кредит, балансдан ташқари, ҳисоб-китоб, аккредитив, траст каби операцияларни ўзида намоён қилади. Шунингдек банк ва мижоз ўртасида шартномавий муносабатларни юзага келтириб, банк олдида маълум бир турдаги мажбуриятларни юзага келтиради.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро иқтисодий

муносабатлар ўрнатганда ҳар доим турли хил рисклар пайдо бўлади. Банк кафолати эса айнан мана шу рискларни минималлаштириш, ўзаро ишончни оширади, иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилишига имкон беради. Ҳамкорлик доимо ишончни мустаҳкамлашга таянади. Аммо бир нечта бизнес вакиллари молиявий ресурслар хавф остида қолганда фақат ишончга таянишга мажбур бўлади. Банк кафолатлари ҳамкорларни, жумладан, харидор ва сотувчи, кредитор ва дебитор, иш бажарувчи ва буюртмачи ўртасидаги битимнинг деярли барча босқичини қамраб олувчи ҳимоя билан таъминлайди. Гарчи бу кафолатлар ҳар икки томоннинг тўловлар ёки етказиб бериш каби шартнома мажбуриятларини бажаришини таъминлай олмаса-да, вазият талаб қилганда компенсация тўланишини таъминлайди.

Мамлакатимизда банк кафолати бўйича маълум тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, уларнинг аксарияти назарий жиҳатдан банк кафолатининг моҳиятини қисман ёритиб берган, унинг тижорат банкларида бажарилиши ва амалий муаммоси бўйича

кенг қамровли ва тизимли изланишлар мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Адабиётлар шарҳи

Банк кафолати кўпчилик олимларнинг илмий изланишларида тадқиқот объекти бўлган. Банк кафолати бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг ёндашуви банк кафолатига асосан иқтисодий ёки ҳуқуқий ёндашувини кўришимиз мумкин.

Иқтисодчи олимларнинг кўпчилиги банк кафолатини кредит муносабатларини юзага келтирувчи молиявий операция сифатида эътироф этади. Айрим олимларнинг фикр-мулохазаларини келтириб ўтсак.

Банк кафолати кредит маҳсулотларининг тоифаси бўлиб, банк кредит портфелининг бир қисmini ташкил қилади, балансдан ташқари кредит рискининг ажралмас қисми ҳисобланади (Leo Onyiruba, 2016). Лео Онйириубанинг фикрига эътибор берсак, банк кафолати банк кредит маҳсулотининг тоифаси сифатида кўради, шунингдек балансдан ташқари операция натижасида кредит риски юза келиши мумкинлигини қайд этади.

Банк кафолати - бу кредит муносабатлари тизимидаги мураккаб кўп тоифали восита бўлиб, турли вазиятларда тўлов воситаси, кредитлаш усули бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга ўзининг асосий мақсади - принципалнинг мажбуриятларини ўз зиммасига олиш орқали бенефициарнинг таваккалчилигини камайтиради (Палин Д.А., 2012). Палин Д.А. банк кафолатини мураккаб банк операцияси эканлигини қайд этиб, банк ўзининг зиммасига олган мажбуриятни бажариш орқали бенефициарнинг рискинни олдини олади.

Банк кафолати эволюцион жараёни босиб ўтган мустақил молиявий маҳсулот бўлиб, у ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишининг объектив қонуниятлари билан белгиланади (Асланов Д.И., 2018). Асланов Д.И. ва Голубова М.И. банк кафолатини алоҳида молиявий маҳсулот сифатида қараб, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларда шаклланади.

Кафолатга биноан банк (кафил) мижознинг (принципал) илтимосига кўра, банк ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради. Кафолат принципалнинг (мижознинг) бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) лозим даражада бажаришини таъминлайди (Абдуллаева Ш.З., 2017). Бундан кўриниб турибдики Абдуллаева Ш.З. банк кафолатини принципалнинг бенефициар олдида маълум бир мажбуриятнинг бажарилмаслиги оқибатида уни бажаришини таъминлашини қайд этади.

Умаров З.А. банк кафолати принципалнинг топшириғига кўра банкнинг бенефициар олдидаги мажбуриятини ифодалаб, тўловни кафолатловчи, мажбуриятни бажарувчи, кредит муносабатларини юзага келтирувчи банк операциясидир (Умаров З.А.,

Азимов Б., 2021) деб таърифлайди ва бу орқали банк кафолати банкнинг алоҳида операцияси эканлигини таъкидлайди.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда банк кафолати банк операцияси сифатида банк томонидан принципалнинг бенефициар олдидаги мажбуриятларни бажарилишини кафолатланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид маълумотлар ва назарияларни ўрганишда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Банк кафолатлари кредит хизматларининг бир тури сифатида эътироф этилиши кредит муносабатларида алоҳида ўринга эга бўлади.

Банклар томонидан амалга оширилаётган молиявий операциялар жумласига учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш (УзР Конуни, 2019) операцияси банк операцияларининг алоҳида тури сифатида қаралади.

Бундан кўриниб турибдики банк кафолати банк ресурсларининг жойлаштирилиши билан боғлиқ фаолиятни, савдони молиялаштиришнинг асосий манбаси, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришни, фойзли ва фойсиз даромад олиш операцияси, балансдан ташқари операция сифатида намоён бўлади.


Банк кафолати халқаро савдода алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Мустақил кафолатлар ва захира аккредитивлар тўғрисидаги конвенцияси” қабул қилинган. 1995-йил 11-декабрда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Конвенция мустақил кафолатлар ва захира аккредитивлардан фойдаланишни осонлаштириш учун ишлаб чиқилган, хусусан, бунда ёки кафолат ёки аккредитив анъанавий тарзда қўлланилиши мумкин. Конвенция, шунингдек, мустақил кафолатлар ва захира аккредитивлари билан биргаликдаги умумий асосий тамойиллар ва хусусиятларни тан олишни мустаҳкамлайди. Конвенция 2000 йил 1 январда кучга кирган.

Ушбу Конвенцияда мажбуриятни халқаро амалиётда мустақил кафолат ёки захира аккредитив сифатида танилган, банк ёки бошқа муассаса ёки шахс (“кафил/емитент”) томонидан тўлаш учун берилган мустақил мажбурият (United Nations Convention, 1995) сифатида қарайди. Унга кўра бенефициарга оддий талаб асосида ёки бошқа ҳужжатлар илова қилинган талабга биноан, мажбуриятнинг шартлари ва ҳар қандай ҳужжат шартларига мувофиқ, тўловни кўрсатувчи ёки ундан хулоса қилиш керак бўлган маълум миқдорни мажбуриятни бажаришда ёки бошқа шартли равишда, ёки қарзга олинган ёки авансланган пул учун, ёки принципал / талабнома берувчи ёки бошқа шахс томонидан ўз зиммасига олган ҳар қандай муддати тугаган қарзни тўлаш

мажбурияти пайдо бўлади.

Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса,

пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради (УзР Фуқаролик Кодекси, 1995). Бундан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича кафолатни фақат тижорат банки эмас, балки нобанк кредит ташкилотлари, суғурта компаниялари ҳам бериши мумкин.



1-расм. Кафолат берувчи субъектлар¹

Банк ҳар қандай учинчи шахсга мижозлар номидан тўлов хавфини ўз зиммасига олиш тўғрисида банк томонидан берилган ваъдани кафолатлайди. Банк кафолати банк ва унинг мижозлари ўртасида тузилган

шартномавий мажбурият бўйича берилади.

Кафолат беришда, шу жумладан банк кафолатини беришда асосан учта томон иштирок этади: принципал, кафил ва бенефициар.

Банк кафолати иштирокчилари		
Кафил •ўз мижози (принципал)нинг ёзма аризасига кўра, принципал бенефициар олдидаги мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафолатга мувофиқ ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини ўз зиммасига олувчи банк	Принципал •банкка ўзининг учинчи шахс (бенефициар) олдидаги мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида кафолат бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган шахс	Бенефициар •принципалнинг мажбурияти бўйича кафолатни қабул қилувчи кредитор

2-расм. Банк кафолати иштирокчилари²

Банк кафолати банк ва принципал ўртасида тузилган шартнома асосида тартибга солинади. Бу орқали банк бенефициар олдидаги кафолатланган мажбуриятни бажариши лозим бўлади.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун берилган кафолатда назарда тутилган мажбурият асосий мажбуриятдан мустақил ҳисобланади. Кафил принципалнинг жавобгарлигидан қатъий назар, бенефициар олдида жавобгар бўлади. Агар кафолат матнида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, кафилнинг бенефициар олдидаги мажбурияти бенефициар асосий мажбуриятни бажариш талаби билан принципалга дастлаб мурожаат қилмаган бўлса ҳам, бенефициарнинг талаби бўйича бажарилиши лозим.

Одатда, кафолатлар билан таъминланиши керак бўлган шартлар ҳар икки томон шартномавий келишувлар тўғрисида келишиб олингандан сўнг аниқланади ва ушбу савдога хос бўлиши мумкин.

Кафилликдан фарқли равишда, бенефициар фойдасига берилган банк кафолати бўйича тўловлар миқдори фақат кафолат хатида кўрсатилган сумма

миқдори билан чекланади.

Банк кредитидан фарқли ўлароқ, кафолат берганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори хизмат ҳақи ва кредит ресурси қийматига боғлиқ бўлиб, бу унинг асосий қарз учун иқтисодий жозибадорлигини оширади, бенефициар унга қарздорлигини тўғридан-тўғри банкдан олиш имкониятига эга (кафил), комитентнинг ҳисоб рақамини четлаб ўтиб, кафил учун пулни бермасдан ҳам маълум бир ҳақ олиш мумкин.

Ушбу афзалликларни таъкидлаш бозор иштирокчиларига жорий фаолиятни, шу жумладан кредит ресурсларини жалб қилиш билан молиялаштириш масалаларини ҳал қилишда ўз воситаларини кенгайтиришга имкон беради, бу эса ўз навбатида ижтимоий маҳсулот ҳажми ва сифатига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мавжуд рақобатбардош устунликларга қарамай, замонавий банк кафолати учун бир қатор таркибий ва функционал камчиликлар хос бўлиб, бу унинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўлланилишини сезиларли даражада мураккаблаштиради: бозорда

¹ Муаллиф томонидан тузилди

² Муаллиф томонидан тузилди

пайдо бўлган пайтдан бошлаб давлат томонидан тартибга солинишга боғлиқлик; потенциал истеъмолчиларга маҳсулот ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги; банклар - кафилларнинг принципалларга юқори талаблари; кафолат бериш тартибининг бюрократияси; кафолат бўйича даврий тўловларнинг йўқлиги, бу эса принципални такрорланадиган бир ҳил мажбуриятлар бўйича бир неча бор янги кафолатни олишга мажбур қилади; кафолат бўйича бенефициар ҳуқуқларини ўтказиш учун тугалланмаган механизм мавжудлиги.

Шуни таъкидлаш керакки, банк кафолатлари, бошқа барча кредит маҳсулотлари каби, ҳар доим муайян кредитлаш мезонларига жавоб бериши керак. Шундай қилиб, тасдиқланган банк кафолати воситалари:

- банк кредит мутахассислари маълум бир миқдорда даромад эвазига шартли молиявий мажбуриятни олиш;

- кафолат бериш жараёнида кафолатнинг аниқ мақсади аниқланиши ёки тасдиқланиши керак. Кафолат мақсади кафолат туридан келиб чиққан ҳолда, банк манфаатларига мос келиши, унда банкнинг қизиқиши бўлиши лозим.

- кафолат муддати аниқ белгиланиши, амал қилиш муддати тугаши билан бекор қилиниши керак. Аксарият ҳолларда банк кафолати 12 календарь ойдан ортиқ бўлмаган муддатга қисқа муддатли кредит сифатида берилади.

- банк кафолати берилаётган шартнома таркибини белгилаш. Шартнома таркибида кафолат қайси тартибда бажарилади, у бўйича тўловларни ўтказиш шартлари ва тартиблари ҳақида маълумот бериши керак. Кафолатни бериш, чиқариш ва амалга ошириш, шунингдек, унинг асосий битимини амалга ошириш учун кўзда тутилган тартиб ҳар доим аниқ кўрсатилиши, тушунилиши ва унинг тарафлари томонидан бажарилиши керак.

- кафолатни бажариш учун бенефициар билан мезонларни келишиш ва унга риоя қилиш. Масалан, кафил сифатида банклар ўз мижозларининг мажбуриятларини бажармаганлиги, дефолт ҳолатларининг юзага келиши ва кафолат берувчидан ушбу маблағларни ундириш мақсади тўғрисида маълум бир муддатда хабардор қилишни талаб қиладилар.

- мижоз ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда банк ўз мажбуриятларини қоплаши мумкин бўлган бошқа шартларни кўрсатиш. Масалан, кафолат берувчи учун бенефициар мижознинг тўловга лаёқатсизлигини тегишли тарзда белгилашлари керак. Баъзида банк бенефициар томонидан даъво қилинган дефолтни мустақил текшириш орқали тасдиқлайди. Банк, шунингдек, баҳоловчиларнинг мустақил фикрига асосланиб, бенефициарнинг даъволарини истисно қилиши мумкин.

Банк кафолати турли ҳил кредит маҳсулотларига қараганда камроқ ёки кўпроқ рискли бўлиши мумкин. Шу сабабли, банк кафолати сўровларини таҳлил қилишда кредитлаш тамойилларида акс эттирилган талабларни бажарган ҳолда мижознинг тўловга лаёқатлигини таҳлил қилиб бориш керак. Муайян

шартларда, ҳар бир бошқа кредит маҳсулотида бўлгани каби, банк кафолати ҳам банк учун мақбул бўлган моддий ёки бошқа шаклдаги гаров билан тегишли тарзда таъминланиши керак.

Банк кафолати ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Жумладан, банк кафолатининг афзалликлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- банк кафолати бенефициарнинг хўжалик операциялари билан боғлиқ молиявий рискларини пасайтиради;

- рискни пасайтирганлиги учун ҳамкорлар, принципал ва бенефициарни ҳамкорлик қилишга ундайди;

- банк ўзида кредит ресурсида тақчиллик бўлганда ёки кредит сиёсатига мос бўлмаган кредит маҳсулотларини сўраб келган мижози учун бошқа тижорат банкидан кредит олиш учун имконият яратиб беради ва мижозининг бизнесини кенгайтиришга ундайди;

- кичик бизнес субъектлари учун банклар фойдали шартлар асосида кафолатларни тақдим этишлари мумкин;

- банклар бизнеснинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилганда ва тасдиқлаганда, унинг ишончлилиги ошади ва бу ўз навбатида бизнес имкониятларини оширади;

- принципал учун маблағ етишмаган тақдирда қўшимча маблағ жалб қилиш, бирор бир иш ёки хизматни бажариш, айланма маблағларини операцион жараёндан чиқармасдан туриб, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёни учун товар моддий қийматликларни олиши мумкин.

Шу билан биргаликда, камчиликлардан ҳам ҳоли эмас:

- баъзан, тижорат банклари бизнеснинг молиявий ҳолатини баҳолашда жуда қаттиқ қўл ҳисобланади, шу сабабли жараён мураккаб ва кўп вақт талаб қилиши мумкин;

- тўловга лаёқатлиги паст бўлган субъектлар банк кафолатини олиш мураккаб;

- риск даражаси юқори бўлган жараёнларни ўз ичига олган кафолатлар учун банклар кафолатни расмийлаштириш учун гаров таъминотини талаб қилади.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Банк кафолати банк операцияси сифатида банк томонидан принципалнинг бенефициар олдидаги мажбуриятларни бажарилишини кафолатлайди.

Банк кафолати хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлари маҳсули ҳисобланади.

Банк кафолати банк ресурсларининг жойлаштирилиши билан боғлиқ фаолиятни, савдони молиялаштиришнинг асосий манбаси, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришни, фоизли ва фоизсиз даромад олиш операцияси, балансдан ташқари операция сифатида намоён бўлади.

Кафолат, жумладан банк кафолати турли ҳил рискларни минималлаштириш учун хизмат қилади, кафилга фоизли ва фоизсиз даромад кўринишида даромад олиш имконини беради, принципалга зарур бўлган маблағлардан фойдаланиш, бенифициарга тўловнинг кафолатланиши, иш ва хизматнинг бажарилишини таъминлайди.

Банк кафолатидан кенгроқ фойдаланиш учун ундан фойдаланувчиларнинг шу соҳа бўйича молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозим.

Банк кафолати шартлари учта томон учун тушунарли ва аниқ белгиланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 21.12.1995 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580-сон Қонуни, 2019 йил 5 ноябрь
3. Leo Onyiriuba, Emerging Market Bank Lending and Credit Risk Control, Elsevier Science, Academic Press, 2016, p. 738 Pages 289-304
4. Палин Д.А. Банковская гарантия как эффективный инструмент развития кредитных отношений // автореферат диссертации на соискание учёной степени к.э.н. Краснодар 2012 28 стр.
5. Асланов Д.И., Голубова М.И. Совершенствование механизма применения банковских гарантий // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. – 2018. – № 6(112). – С. 20.
6. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2017. 732 бет.
7. Умаров З.А., Азимов Б. Банк кафолати ва унинг ҳисоби / Молия илмий журналі 2021 йил 1-сон, Б. 98-106
8. United Nations Convention on Independent Guarantees and Stand-by Letters of Credit / New York, 1995
https://uncitral.un.org/en/texts/payments/conventions/independent_guarantees